QMMB: 10/23/3101-3/0417-son
21.06.2023-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO‘YXATIDAN O‘TKAZILDI
RO‘YXAT RAQAMI: 3101-3
2023 - yil 21 - iyun

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ**

# ҚАРОРИ

**Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги ва “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 14 ноябрдаги 145, 45-сон қарори (рўйхат рақами 3101, 2018 йил 15 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 51-сон, 980-модда) билан тасдиқланган Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Иқтисодиёт ва молия вазири** **SH.D.KUDBIEV**

Тошкент ш.
2023 йил 14 июнь,
32 сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги**
**Департамент бошлиғи**

**Raximov D. F.**

Тошкент ш.
2023 йил 13 июнь,
26 сон

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг 2023 йил 14 июндаги 32-сон ва Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2023 йил 13 июндаги 26-сон қарорига

ИЛОВА

**Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-банддаги “Молия вазирлигига” деган сўзлар “Иқтисодиёт ва молия вазирлигига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6[1]-банддаги “Молия вазирлиги” деган сўзлар “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 11-банднинг саккизинчи хатбошисидаги “Молия вазирлиги” деган сўзлар “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 29-бандда:

бешинчи хатбошидаги “Молия вазирлигига” деган сўзлар “Иқтисодиёт ва молия вазирлигига” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги “Молия вазирлиги” деган сўзлар “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 34[1]-банддаги “Молия вазирлиги” деган сўзлар “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 57- банддаги “Молия вазирлиги” деган сўзлар “Иқтисодиёт ва молия вазирлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.